



ШОЛИЧИЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШГА БАҒИШЛАНГАН МУҲИМ ҚАРОР

Шоли экини ноёб дон экинларидан бири ҳисобланиб, дунё халқи уни эъзозлаб ҳамда ривожлантириб келмоқда. Шоли дунё озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашда учинчи ўринни, ҳосилдорлиги бўйича эса етакчилиكنи эгаллайди. Шунингдек, аҳоли сони энг кўп бўлган Осиё қитъасининг асосий озиқаси ҳисобланиб, 3 млрд.дан ортиқ одамларни таъминлаб келмоқда. Шоли экини ер шарининг экватор қисмига мансуб экин бўлса-да, биологик жиҳатидан эгилувчанлиги ҳамда мосланувчанлиги сабабли 115 дан ортиқ мамлакатларда расмий равишда, яна бир қатор давлатларда аҳоли ўз тирикчилиги учун экиб келмоқда.

Яна шолининг эътиборли томони, дон экинлари орасида ҳосилдорлиги ортиб бораётган ягона экин тури ҳисобланади. Мисол учун Хитойлик олимлар ҳар гектардан 200 центнер шоли ҳосили олишга ҳамда шолининг қора гуручли серҳосил, жуда мазали ва юқори колорияга эга бўлган ноёб навларини яратиб, дунё шоликорларини лол қолдирмоқдалар. Демак, шоликорликнинг келажаги чексизлиги илм-фан томонидан исботлаб борилмоқда. Республика ютуқларини панжа орасидан кўриб баҳолайдиган айрим шахслар, шоличилигимизда янгиликлар ҳамда ривожланиш йўқ қабилида фикр юритадилар. Шоличилик институти ҳақиқатан ҳам кичик илмий жамоа. Лекин халқимиз айтганидек “Кичкина деманг бизни...”. Бироқ дунё шоличилик соҳасининг етакчилари билан ҳамкорликда тадқиқотлар олиб борилмоқда ҳамда малакали кадрлар тайёрланишига жиддий чора-тадбирлар кўрилмоқда.

Шоличилик илмий-тадқиқот институти Марказий Осиёда ягона ҳисобланиб, шу бугунги кунгача республика шолисининг 90-95 фоизи институтда яратилган навлар ҳисобига етиштириб келинмоқда. “Лазурный”, “Искандар” (Аланга) навлари дунёнинг қимматли навлари билан рақобатлаша олиши туфайли Хитой, Россия, Қозоғистон, Қирғизистон ва Тожикистонга экспорт қилинмоқда. “Мустақиллик нави” АҚШнинг назарий тадқиқотларида стандарт-St сифатида

қўлланилмоқда. “Шоли етиштириш технологиясини механизациялаш йўли билан такомиллаштириш ва бир гектардан 110-120 ц/га ҳосил олиш” мавзусидаги техник ҳамкорлик лойиҳаси бўйича Жанубий Корея “КОРІА” маркази билан 2023 йилда республикаимизда эмас, балки Марказий Осиёда биринчи мартаба бир гектар майдондан 120 центнер шоли ҳосили, кўчат усули ҳисобига олинишига эришилди. Бу усул янада такомиллаштирилиши эвазига ҳосилдорликни 150 ц/га олиб чиқиш бўйича тадқиқотлар давом эттирилмоқда. Шунингдек, лидер шоли навларимизда дурагай усулини қўллаш ҳисобига, ҳосилдорликни 3-4 ц/га ошириш бўйича малакали кадрлар хорижда тайёрланиб, амалиётга жорий этишга тайёргарлик кўрилмоқда. Бундан ташқари, қуйидаги бир қанча илмий йўналишларда хорижий илмий марказлар, етакчи илмий муассасалари ва олийгоҳлар билан ҳамкорликда долзарб мавзулар бўйича тадқиқотлар олиб борилмоқда. Жумладан:

Дунёнинг асосий шоличилик ҳамда етиштириш марказлари, яъни Жанубий Корея, Хитой, Ҳиндистон, Вьетнам, Филиппин, АҚШ, Жаҳон банки ва ФАО ташкилотлари ва бошқалар билан узвий илмий алоқалар боғланган бўлиб, ўзаро фойдали тадқиқотлар олиб бориш, тажриба ва ирсий фонд материалларини алмашиш ҳамда халқаро лойиҳалар масалаларига жиддий эътибор қаратилмоқда.

Маълум, хорижий навларни чуқур ўрганиш, таҳлил қилиш зарур, танлаш нав муаммосини тезкор ҳал этиш йўли ҳисобланади. Шу мақсадда Хоразм вилоятида 67 та, шулардан Хитойдан 27 та, Вьетнамдан 14 та, Жанубий Кореядан 5 та, Россиядан 2 та шולי навларини синаш ҳосилдор навлар яратиш бўйича кенг қамровли тадқиқотлар олиб борилиб, 7 та навлар истиқболли деб баҳолалиб, бирламчи уруғчилик ишлари олиб борилмоқда.

Халқаро ҳамкорлик лойиҳа доирасида Филиппиндаги халқаро шолчилик институтидан сув кам талаб этадиган, сувсизликка ва шўрга чидамли 521 дон, Жанубий Кореядан 5 та, Россиядан 20 та навлар келтирилиб жадал равишда тадқиқотлар олиб борилди. Яхши натижалар олиниб, Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятининг кучли даражада шўрланган ерларида ўсиб ривожлана оладиган, узун гуручли, ўсув даври 93-96 кун бўлган, эртапишар, ётиб қолишга (5 балл) бардошли, касаллик ва заракуналларга чидамли, ҳосилдорлиги 50,0-56,2 ц/га бўлган Хитойнинг 2 та; Вьетнамнинг ҳосилдорлиги 67,0 ц/га бўлган 1 та; Россиянинг ҳосилдорлиги 66,8 ц/га бўлган 1 та навлари танлаб олиниб, уларнинг уруғчилик ишлари олиб борилмоқда. Маҳаллий селекцияларимиз натижаларига асосан янги тезпишар 1 та нав, ҳосилдорлиги 74,5 ц/га, ўртапишар 3 та нав ўртача ҳосилдорлиги 76,8-82,6 ц/га ва кечпишар 5 та нав ҳосилдорлиги 70,5-79,6 ц/га бўлган навлар яратилди. Керакли ҳажмдаги ер майдонларига эга эмаслигимиз учун, бирламчи уруғчилик навбатига қўйилди.

Маҳаллий эртапишар "Биллур" ва ўртапишар "Садаф" навлари давлат реестрига киритилди ва патентлаштириш учун Интеллектуал мулк агентлигига гувоҳнома олиш учун юборилди. Шолчининг янги "Ихлос" ва "Зийнат" навлари Давлат нав синаш комиссиясига тақдим этилди.

Яна бир қувончли ҳолат, дастлабки нав синовини натижаларига кўра, янги хорижий навларда шолчини кўчат экиш усулини қўллаш ҳамда шолчини буғдой каби суғориб етиштириш ҳисобига, гектарига 10-12 минг м³ атрофида сув сарфланиши, такомиллаштирилган доимий сув билан суғориш технологиясини қўллашда эса гектарига 14-23 минг м³ гача сув сарфланиши мумкинлиги илк бор аниқланди.

Шолчилик илмий тадқиқот институтини тадқиқотлар дастурига асосан яна бир қанча қизиқарли тажрибалар олиб борилмоқда.

Шунингдек, институтнинг докторантура бўлимида 15 нафар ёшлар долзарб шолчилик, дуккакли дон экинлари, етиштириш технологияси, ҳосилдорлик ва унинг сифатини ошириш, ўсимликларни ҳимоя қилиш ва бошқа йўналишларда янги инновацион янгиликлар яратишга йўналтирилган тадқиқотлар бўлиб, улар ҳам давлат томонидан қўллаб-қувватланса, ҳосилдорликнинг ортишига албатта ҳисса қўшилади. Юқоридаги маълумотларни жамласак, кичик бир илмий жамоада шунча илмий янгиликлар тўпланиб қолганлигининг шохиди бўлмоқдамиз. Уларни ишлаб чиқаришга жорий этиш учун давлат томонидан ёки бошқа ташкилотдан, аниқроғи лойиҳага ажратилган маблағ ҳисобига амалга ошириш мақсадга мувофиқ ҳисобланар эди.

Республика шолчилигини ривожлантириш бўйича бир қанча қарорлар чиқди ва улар илмий тадқиқотларни ривожлантиришга ҳисса қўшди, лекин жорий этиш масаласини қўллаб-қувватлашга эътибор кам бўлди.

Юқоридаги шолчи етиштириш учун мураккаб ҳолатни инobatта олган ҳолда, республикада шолчи етиштириш, сақлаш, қайта ишлашнинг узлуксиз ва самарали тизимини жорий

этиш, ички истеъмол бозорини гуруч маҳсулотлари билан барқарор таъминлаш, шунингдек, соҳада илмий-тадқиқот ишларини, айниқса хорижий ҳамкорликни кенгайтириш таъкидланган Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПҚ-290-сон "Шолчи етиштиришнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори, бизнинг фикримизча ўз вақтида чиқди. Қарорда мамлакат шолчилигини қўллаб-қувватловчи жуда қимматли бандлар мавжуд бўлиб, айримларини алоҳида таъкидлаб ўтсак.

Жумладан:

а) 2024 йил 1 сентябрдан бошлаб фермер, деҳқон хўжаликлари ва бошқа маҳсулот етиштирувчиларга шолчи етиштириш ва харид қилиш харажатларини молиялаштириш учун Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 15 декабрдаги «Мева-сабзавотчилик соҳасини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш, тармоқда кластер ва кооперация тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-52-сон қарорида белгиланган шартларда имтиёзли кредитлар ажратилади;

б) 2025-2026 йилларда қишлоқ хўжалиги корхоналари томонидан шолчи экиш учун харид қилинган ва ишлаб чиқарилганига бир йилдан ошмаган янги уруғ сеялкалари ҳамда кўчатлаб экиш ускуналари қийматининг 20 фоизи Давлат бюджетидан субсидиялар ажратиш орқали қоплаб берилади;

в) Хоразм вилоятида шолчи етиштирувчи қишлоқ хўжалиги корхоналари фаолиятини қўллаб-қувватлаш учун Давлат бюджетидан уларга қуйидаги қўшимча субсидиялар ажратилади:

– шолчи етиштириш учун ҳар бир гектар лазерли текисланган майдонга сарфланган ёқилғи-мойлаш материаллари харажатларининг 100 фоизини, бироқ бир гектар учун умумий харажат миқдорининг 1 млн сўмдан ортиқ бўлмаган қисmini қоплаш учун;

– Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 1 мартдаги «Қишлоқ хўжалигида сувни тежайдиган технологияларни жорий этишни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-144-сон қарорида белгиланган миқдорларда замонавий сув тежовчи технологияларни жорий қилиш билан боғлиқ харажатларини бир қисmini қоплаш учун.

Қарорда (шолчиликни янада ривожлантириш учун): имтиёзли кредитлар ажратиш, янги уруғ сеялкалари ҳамда кўчатлаб экиш ускуналари қийматининг 20 фоизига Давлат бюджетидан субсидиялар ажратиш орқали қоплаб бериш имтиёзлари илк бор давлат томонидан берилган қўллаб-қувватлаш десак, муболаға бўлмайди. Албатта, бу қарор кўчат усулини механизациялаштирилган ҳолда кенг жорий этишга, хорижий ва маҳаллий шароитда яратилган шолчи навларини ишлаб чиқаришга самарали қўллашга хизмат қилади.

Шуни унутмайликки, эндиликда бир томчи сув ва бир дон дон оқ олтин деган пахтадан ҳамда сариқ металл олтиндан ҳам қиммат бўлиб, ҳаёт-мамотимизни ҳал этиши мумкин.

Хурматли шолкорлар! Сизларни яна бир бор 20 сентябрда ўтказилган "Жаҳон шолкорлар куни" билан чин қалбимиздан табриклаймиз. Хирмонларингиз баракали бўлсин.

Рихсивой ТЕЛЛЯЕВ,

қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, профессор,
Турон Фанлар Академияси академиги,
Шолчилик илмий-тадқиқот институтини.



Устозларнинг устози 90 ёшида

Мамлакатимиз қишлоқ хўжалигини ривожлантиришга ва соҳа мутахассисларини тайёрлашга ўзининг муносиб ҳиссасини қўшиб келаётган таниқли олима, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган халқ таълими ходими, қишлоқ хўжалик фанлари доктори, профессор Атабаева Халима Назаровна муборак 90 ёшни қаршиламоқда. Нашримиз муштарийлари номидан устозларнинг устози ҳисобланган муҳтарама олимани қутлуғ кунлари билан самимий табриклаймиз. Янги йилингиз муборак бўлсин, кўнгилда туғилган барча орзу-ҳаваслар ушалаверсин, юзларга юзлашиб юринг, азиз устоз!

Халима Назаровна таъбир жоиз бўлса таъкидлаш лозимки, нафақат Ўзбекистонда, балки дунёда сановлидир. Чунки у болалигиданоқ китоблар меҳр қўйган, ўқиб-ўрганишдан завқ толган. Институтда, аспирантурада сабоқ олган чоғларида ҳам илм борасида ҳозиржавоблиги билан тенгдошларидан ажралиб турди, тадқиқотлардан бир зум бўлсин чалғимади ва фан доктори, илмий натижалари дунёнинг кўпчилиги давлатларида тилга тушган таинқли орлимага айланди. Бугун унинг бевосита илмий раҳбарлигида 25 нафар фан докторлари ва номзодлари етишиб чиққан бўлиб, уларнинг 5 нафари Покистон, Миср, Вьетнам, Сурия, Ливия мамлакатлари фуқаросидир.

Профессорнинг 4 нафар шогирдлари қишлоқ хўжалиги фанлари бўйича докторлик (DSc) диссертацияларини муваффақиятли ҳимоя қилди ва профессор сифатида ёшларга сабоқ бермоқда. Уларнинг барчаси бағридарё устозларидан илм йўлида қўллаб қувватлагани, қийналган чоғларида тўғри йўлни кўрсатиб, руҳлантиргани учун миннатдор. Профессор Х.Н.Атабаева иқтидорли ёшларни тарбиялаш ва “Устоз-шогирд” тизимини янада ривожлантиришга муносиб ҳисса қўшиб келмоқда. Жумладан, магистратура ва таянч докторантурада илмий раҳбарлик қилган шогирди Хайруллаев Сардор Шамсиддин ўғли 2017 йилда Беруний номли Давлат стипендияси ҳамда 2022 йилда Ўзбекистон Республикаси Президенти стипендияси

соҳиби бўлишга эришган.

Шунингдек, устоз раҳбарлигида 250 дан ортиқ битирув малакавий ишлари ва 40 дан ортиқ магистрлик диссертациялари бажарилиб, аъло баҳоларга ҳимоя қилинган. Битирувчиларнинг кўпчилиги ҳозирги кунда қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида етакчи мутахассис ва раҳбар сифатида фаолият кўрсатмоқдалар.

Профессор Х.Н.Атабаева узоқ йиллар давомида ихтисослашган илмий Кенгаш илмий котибаси, ТошДАУ ва ПСУЕАИТИ ҳузуридаги ихтисослашган илмий кенгаш аъзоси, Республика Фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш қўмитаси ва Ўзбекистон Қишлоқ хўжалиги илмий-ишлаб чиқариш марказида ташкил этилган эксперт кенгашлари ҳамда Тошкент вилояти “Олима” аёллар уюшмасининг аъзоси сифатида фаолият юритиб келмоқда.

Устоз ўз изланишларини дала экинларининг турларини, навларини, ҳар хил намуналарини тадқиқ қилиб, улардан юқори ва сифатли ҳосил етиштириш технологияларини яратишга қаратган.

Илмий ишлари долзарб мавзуларга бағишланган бўлиб, қуйидаги асосий йўналишларда олиб борилмоқда:

1. Ем-хашак экинларидан юқори ва сифатли ҳосил етиштириш технологияларини яратиш (беда, судан ўти, жўхори, маккажўхори).